

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2022 йил июль ойининг 25 куни жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман суди, ўз биносида, видеоконференцалоқа режимидан фойдаланилган очик суд мажлисида, раислик қилувчи Н.Саломов, Б.Абдуллаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бешариқ туман прокурорининг ёрдамчиси С.Ортиқов, судланувчи Қўшақов Алишер Собиржон ўғлининг ҳимоячиси “Холис адолат йўли” адвокатлик фирмаси адвокати А.Юлдашев, жабрланувчи Ж.Турсуновнинг иштирокида, Қўшақов Алишер Собиржон ўғлига нисбатан № 1-1518-2101/343-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи: Қўшақов Алишер Собиржон ўғли (Qo'shaqov Alisher Sobirjon o'g'ji) 16.08.1993 йилда Бувайда туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, муқаддам судланмаган, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, савдогар, Бувайда тумани, Хўжабод МФЙ, Ўрда кўчаси 5-уйда яшайди, жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман судининг 14.01.2022 йил кунги ажрими билан иш бўйича қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги “тилхат” эҳтиёт чораси ўзгартирилиб “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилиб, қидирув эълон қилинган, 26.06.2022 йил кунидан 10-сонли тергов ҳибсхонасида сақланмоқда, айблов хулосаси нусхасини 07.10.2021 йил куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни:-

А н и қ л а д и :

Қўшақов Алишер Собиржон ўғли 2021 йил апрель ойи охирида ўзганинг анча миқдордаги мулкани алдаш ва ишончини суистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, дастлабки терговда жиноят ишининг уларга оид қисми алоҳида иш юритувига ажратилган бошқа шахслар билан ўзаро олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, Учкўприк тумани, Хасанқора м.ф.й., Сомсапаз қишлоғи, Дўстлик кўчаси 22-уйда яшовчи Турсунов Жамшидбек Юлдашали ўғлининг яшаш хонадонига бориб, унга ўзларини “трикотаж матоларидан маҳсулот ишлаб чиқарадиган йирик цехлари борлигини” айтиб таништириб, ишончига кириб, унинг 35 дона рулондаги



“плашовка” номли трикотаж матоларини 53.659.000 сўмга савдолашиб, “уларни насияга берса, пулини 10-15 кун ичида олиб келиб беришларини” айтиб алдаб, Ж.Турсуновнинг жами баҳоси 53.659.000 сўмлик 35 дона рулондаги анча миқдордаги “плашовка” номли трикотаж матоларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Айбланувчи А.С.Қўшақов ва бошқа шахслар билан Ж.Турсуновга тегишли бўлган 35 дона рулондаги “плашовка” номли трикотаж матоларини Бувайда тумани, Қум қишлоғида яшовчи Махмудов Мухаммадали Мухторжоновичга жиноий йўл билан қўлга киритилганлигини айтмасдан, 49.700.000 сўм эвазига сотиб юбориб, пулларни ўзаро бўлишиб олиб, ўзларининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборишган.

Судланувчи Қўшақов Алишер Собиржон ўғли суд мажлисида ўз айбига тўлиқ иқроор бўлиб, ҳозирги кунда савдогарлик билан шуғулланиб келишлигини, 2021 йилнинг апрель ойининг ўрталарида ҳамқишлоғи Бувайда тумани, Хақимтўра мфй, Хўжаобод қишлоғида яшовчи “Абутолиб” билан “Абутолиб”ларни яшаш уйининг олдида гаплашиб турган вақтида, таниши Учкўприк тумани, Хасанқора мфй, Сомсапаз қишлоғида яшовчи “Юлдашали хожи” келиб, унга “нима иш билан шуғулланяпсиз, йўқ бўлиб кетдингиз” деб сўраганлигини, у унга “тикув машина сотяпман” деб айтганида “Алишержон ўзингизни ишингизни қилинг, уёқ буёққа чалғиманг” деб атганини ва ёнидан кетганлигини, шундан сўнг, ёнида турган “Абутолиб” унга “ҳалиги одам Сомсапаз қишлоғида яшовчи болалар кийимини сотиш билан шуғулланувчи хожими” деб сўрагани, у унга “ҳа ўша хожи” деб айтганлигини, у “Абутолиб”га “илгари муомала қилганмисан” деганида, “ҳа олдин муомала қилганман” деб айтганлигини, орадан 2-3 кун ўтганидан сўнг, “Абутолиб” унга “Хожи акадан материал олиб чиқинг, бирга сотамиз” деб айтганида, у унга “хожи акадан қарзим кўп менга материал бермайди” деб айтганлигини, “Абутолиб” унга пул кераклигини айтганлигини, у ҳам унга пул кераклигини айтганлигини, унга у “сен материални олиб чиқ, мен материални ўтказаман” деб айтганлигини, у маҳаллдоши такси “Жахонгир”ни чақиртиргани, “Абутолиб” “Жахонгир” билан бирга “Юлдашали хожи”нинг яшаш хонадонига кетганлигини, у “Абутолиб”нинг қўлига 1000 АҚШ доллари пул берганлигини, “Абутолиб” “Юлдашали хожи”дан 37 миллион сўмлик материал олиб, 1000 АҚШ доллари пулларни бериб, қолган 27 миллион сўмини 1 ҳафта ичида беришга келишиб, маҳаллада “Одил ака”нинг “Лабо” русумли машинасига юклаб олиб келишганлигини, у “Абутолиб” олиб келган материални яшаш уйидаги цехига олиб кириб, улардан катталар брижасини тиктириб, уларни Қўкон шаҳридаги бозорга олиб бориб сотиб юборганлигини, тушган пулдан 2200 АҚШ долларини “Абутолиб”га юкни қолганига тўлов қилиш учун берганлигини, “Абутолиб” унга “Юлдашали хожи” берганича юк олиб келишини айтиб, “Жахонгир” билан бирга уни “Van Damas” русумли автомашинасини бошқариб кетиб 35 рулондаги жами 53.659.000 сўмлик “плашовка” номли трикотаж матоларини олиб келганлигини, ушбу трикотаж матоларини Бувайда тумани, Қум қишлоғида яшовчи Махмудов Мухаммадалига 49 миллион сўм эвазига сотиб юборганлигини, у пулларни олиб, “Абутолиб”га 5.000.000 сўмини бериб, қолган 44.000.000 сўмини ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлигини, “Юлдашали хожи” пулларини сўраб бир неча мартаба уни



қидириб яшаш уйига келганлигини, шундан сўнг у ва “Абутолиб” билан бирга “Юлдашали хожи”ни яшаш уйига бориб материалларни сотиб юборганини пулларини ишлатиб юборганлигини айтиб, пулларни тўлаб бериши учун мухлат беришини сўраганлигини ва тилхат ёзиб берганлигини, лекин келишилган муддатда ҳам пулларини тўлаб бераолмаганлигини, шундан сўнг “Юлдашали” ака ва унинг Ж.Турсуновлар ИИБга ариза билан мурожаат қилганлигини, ҳозирги кунга келиб жабрланувчиларга етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани, жабрланувчилардан кечирим сўрашганини, қонун доирасида енгиллик берилишини сўраб кўрсатув бериб ўтди.

Жабрланувчи Турсунов Жамшид Юлдашали ўғли вакили суд мажлисида ҳозирги кунда яқка тартибдаги тадбиркорлик ишлари билан шуғулланиб келишганини, яшаш хонадонига трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи цехи бўлиб, у ушбу цехни ўғли билан билан бирга бошқариб келишганини, Қўшақов Алишерни яхши танишганини, А.Қўшақовни трикотаж маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи цехи борлигини, ундан трикотаж маҳсулотларини сотиб олиб пулини бериб келганлигини, охириги вақтларда А.Қўшақов ундан насияга трикотаж маҳсулотларини олиб кетганлигини, шундан сўнг А.Қўшақовни қарзлари кўпайиб кетганидан сўнг А.Қўшақовга маҳсулот бермай қўйганлигини, 2021 йил 22 апрель куни уни яшаш хонадонига “Абутолиб” келиб ундан жами баҳоси 38.315.000 сўмлик 26 дона рулондаги “плашовка” номли трикотаж матоларини олиб кетганлигини, “Абутолиб” унга 10.500.000 сўм миқдорида пулларни берганлигини, орадан 1 ҳафта вақт ўтиб, “Абутолиб” яшаш хонадонига 23.166.000 сўм миқдорида пул берганлигини, “Абутолиб”ни 4.649.000 сўм миқдорида қарзи қолганлигини, шу куни “Абутолиб” ундан яна 50 дона рулондаги трикотаж матоларини беришини сўраганлигини, у рози бўлиб 35 дона рулондаги, “плашовка” номли, жами баҳоси 53.659.000 сўмлик трикотаж матоларини олиб кетганлигини, “Абутолиб” унга 15-20 кун вақт ичида пулларини олиб келиб беришини айтганлигини, лекин “Абутолиб” пулларни олиб келмаганлигини, бир неча бор ундан пулларни сўраганини, шундан сўнг “Абутолиб” ундан олган материалларни А.Қўшақовга берганлигини айтганлигини, шунда улар А.Қўшақовдан пулларини тез орада тўлаб беришини сўраганлигини, А.Қўшақов уларга пулларини тўлаб беришини айтиб мухлат олиб тилхат ёзиб берганлигини, лекин келишилган кун келганида ҳам А.Қўшақов уларни пулларини олиб келиб бермаганлигини, шундан сўнг туман ИИБга ариза билан мурожаат қилганлигини, суриштирув давомида А.Қўшақов ундан олган трикотаж маҳсулотларини 53.659.000 сўм пуллари тўлиқ тўлаб берганлигини, ҳозирда судланувчига нисбатан ҳеч қандай давоси йўқлигини, енгиллик берилишини сўраб кўрсатув бериб ўтди.

Судланувчи А.Қўшақовнинг жиноят содир этганликда айби, унинг ўзининг, жабрланувчининг кўрсатувларидан ташқари, суд мажлисида кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳ Ю.Қурбонов, М.Махмудов, С.Қурбоноваларнинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари (и.в. 28-32, 36-40, 44-45), ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган хабарнома (и.в. 4-5), тушунтириш хатлари (и.в. 6-13) ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз исботини тўлиқ топди деб ҳисоблайди.



Судланувчи А.Қўшақовнинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан тўғри квалификация қилинган, чунки А.Қўшақов 2021 йил апрель ойи охирида ўзганинг анча миқдордаги мулкани алдаш ва ишончини суистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, бошқа шахс билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, Ж.Турсуновнинг яшаш хонадонига бориб, унга ўзларини “трикотаж матоларидан маҳсулот ишлаб чиқарадиган йирик цехлари борлигини” айтиб таништириб, ишончига кириб, унинг 35 дона рулондаги “плашовка” номли трикотаж матоларини 53.659.000 сўмга савдолашиб, “уларни насияга берса, пулини 10-15 кун ичида олиб келиб беришларини” айтиб алдаб, Ж.Турсуновнинг жами баҳоси 53.659.000 сўмлик 35 дона рулондаги анча миқдордаги “плашовка” номли трикотаж матоларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юбориб жиноят содир этган.

Суд, судланувчи Қўшақов Алишер Собиржон ўғлига нисбатан жазо тури ва меъерини белгилашда жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни йўқ деб ҳисоблайди ва жазони енгиллаштирувчи ҳолати-содир этган қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчидан кечирим сўраганлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг раҳбарий кўрсатмаларига риоя қилиб, одиллик, инсонпарварлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига таянган ҳолда, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини инobatга олиб, унга нисбатан айбланаётган модда санкцияси доирасида кўрсатилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашликни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473- моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ у к м қ и л д и

Қўшақов Алишер Собиржон ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан айбли деб топилсин.

А.Қўшақовга Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шarti билан 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони Бувайда туман ИИБ томонидан белгиланган жойларда ўтатирилсин. Жазони ижро этириш Бувайда туман ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Жазони ўтиши жазони ўташ учун юборилган корхонада иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

А.Қўшақовга нисбатан жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман судининг 2022 йил 8 январь кунги ажрими билан сирtdан “қамокқа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилганлиги инobatга оlinиб, эҳтиёт чораси аслича қамокда сақлаш қолдирилсин.

Жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги инobatга оlinсин.



Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида Фарғона вилоят судига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Ҳукм нусхаси аслига тўғри

Раислик қилувчи:

Н.Саломов

